

**и.ф.д. Т.С. Расулов – ТДШУ
профессори, грант раҳбари
и.ф.д. Д.В. Расулова–ББРОМ
кафедра мудири**

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДИНАМИКАНИ САҚЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Янги вирус ҳақида нималарни биламиз

Карантин ва чекловлар бўлмаганда эпидемиянинг биринчи ойида вирус ҳар уч кунда икки баробарга кўпаганлигини кўрдик. COVID-19 билан ер юзи аҳолисининг давлатлар миқёсида 20-70% и касалланиши тахмин қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими яхши ривожланмаган мамлакатларда ўлим даражаси 3-5 баробар кўпаяди. Ушбу ҳолатни олдини олиш учун давлатлар иқтисодиётини оғир аҳволга қўйиш эвазига бўлса ҳам пандемияни тарқалишини олдини олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун камида 8-10 хафталик қатий карантин ҳолатини жорий этиш керак, акс ҳолда Буюкбританиядаги сингари аҳволга тушиб қолиш мумкин, яъни карантин ҳолатини юмшоқ варианты танланиши оқибатида жуда вирус тарқалиши ҳаддан зиёд кучайиб кетган ва ҳукумат қатий карантинга ўтишга кечикиб бўлсада мажбур бўлган. Йўқотилган вақт мобайнида вирус ташувчи аҳоли сонини геометрик прогрессияда кўпайишига олиб келди. Касалланганларнинг орасида ўлим ҳолати 5% дан ошиши аҳоли орасида ваҳимани келтириб чиқариб, инсонларни ихтиёрий равишда уйдан чиқмасликка олиб келган.

Иқтисодиёт карантин даврида чуқур рецессияга юз тутди. Бу даврда иқтисодиётнинг ва ишчи кучининг 30-40%ини қамраб олади ва уларни иқтисодий циклдан четлашишига олиб келади. Ундан ташқари кўплаб инвестицион лойиҳалар музлатилади, курилиш соҳасидаги лойиҳалар музлатилиши катта йўқотишларга олиб келади. Қатъий карантин даврида ишлаб чиқариш объектлари, завод ва фабрикалар фаолиятини тўхтатади. Карантинни 2-3 ойга чўзилиши кварталда ЯИМнинг 50 % камайишига олиб келади. Карактиндан чиқиш даври, яъни иккинчи фазасида ҳам иқтисодиёт қисман тикланади, шу сабабли иқтисодиётни камида 20% га ЯИМ йиллик ҳисобида пасайишини инобатга олинса бутун иқтисодий тарихда энг чуқур рецессия бўлиши кутилмоқда. Бу инқироз пандемия даврида ишлаб чиқаришни пасайиши ёки талаб пасайиши оқибатида келиб чиққан циклик иқтисодий инқироз эмас. Бу эпидемиологик ва тиббий инқироздир. Давлатлар эпидемияни олдини олиш учун иқтисодиётни тўхтатишга мажбур бўлмоқда, пандемия

тугамагунга қадар иқтисодитни қайтадан фаолиятини тиклашнинг имкони йўқ. Шу сабабли эпидемиологик ва тиббий соҳадаги муаммолар қанчалик тез бартараф этилса шунчалик иқтисодий инқироздан чиқиш 2008-2009 йилдагига нисбатан тезроқ бўлади, АҚШда аввалги инқироз давридаги 10%лик ишсизлик бир неча йил мобайнида босқичма – босқич камайтирилган.

ЯИМнинг 20 % га пасайиши оқибатида инсонлар товар ва хизматлар истемолини ҳам шунчага пасайтиришга мажбур бўлади. Бу иқтисодиётдаги иш ҳаққи, фойда, капитал қўйилмалар ва даромадларни миқдорини 20 % га камайишига олиб келади. Ушбу инқирозни олдини олиш учун давлатлар аҳолининг кунлик истеъмолини ушлаб туриш, бизнес соҳасидаги йўқотишларни вақтинча минималлаштириш учун маълум даражада иқтисодий ёрдамлар амалиётини қўлламоқда. 20 % га пасайиш бу йиллик иш ҳақи, фойда ва даромадларнинг чоракдаги йўқотилишини англатади. Аммо, инқирознинг бошланишига иқтисодий соҳадаги узилишлар, махсулот таклифининг талабдан ортиб кетганлиги эмас, балки тиббий соҳадаги муаммолар сабаб бўлганлиги учун ушбу инқироздан чиқиб кетиш эҳтимоли юқоридир.

Иқтисодиётдаги йўқотишларнинг тақсимланиши турлича бўлганлиги сабабли ва асосий хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу соҳаларда рекорд даражадаги банкротлик ва ишсизлик оқибатида милиявий тизимнинг инқирози юз бериши мумкин. Шу сабабли давлатнинг биринчи асосий вазифаси йўқотишларни соҳалар бўйича тенглаштиришга ҳаракат қилиш, ишсиз қолганларга етарли молиявий ёрдамлар кўрсатиш, ишчиларини бўшатишни хохламаган фирмаларга молиявий ёрдамлар кўрсатиши, иккала ҳолатда ҳам йўқотилган даромдининг 60-70 % қоплаб беришни ташкил этиши керак. Албатта вақтинчалик шартнома асосида ишлайдиганларни ҳам ҳисобдан чиқариш керак эмас.

Бундай дастурий ёрдамларнинг дастлабкилари АҚШ, Германия ва Ғарбий Европанинг кўпгина давлатларида амалга оширила бошланди ва унинг умумий ҳажми давлат ЯИМининг 10% идан кўпроқни ташкил этмоқда. Бундай давлат томонидан бериладиган ёрдамлар инқирознинг даврига қараб бир ёки бир неча марта бўлиши мумкин. Унга керакли маблағлар заҳира фондидан ёки давлат қарзларини кўпайтириш ҳисобига амалга ошириш керак бўлади. Бундай ёрдамларни иқтисодиётда кузатиладиган циклик инқирозлар даврида амалга ошириб бўлмайди, давлат ишини йўқотганлар учун тезроқ иш топишига ёрдам беради, аммо ҳозирги шароитда эса ишсизларни уйда қолиши учун карантин чоралари кўрилади ва уларнинг йўқотган маблағларини қоплаб бериш учун ажратилади. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, йўқотилган ЯИМни қайтиб тиклаб бўлмайди, ушбу ҳаражатлар соҳалар бўйича йўқотишларни бирхиллаштириш учун сарфланади (бу ялпи талабни рағбатлантириш эмас,

балки қайта тақсимлаш чорасидир, чунки талаб эпидемиологик инқироз туфайли чеклангандир).

Давлатнинг иқтисодийга ёрдами амалга оширишдаги иккита катта муаммо, яъни қарздорлик инқирози ва синишларни олдини олиш учун фирмаларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдамларни амалга оширишни тушуниш муҳимдир. Қарздорлик татиллари даврида қарздорларга ярим ёки бир йилга кредитларини тўлаш муддатини узайтирилиши давридаги йўқотишларни давлат тўғридан-тўғри молиялаштириш орқали ўз зиммасига олиб банк тизимини барқарорлиги таъминлаб туради. Ундан ташқари, маблағи етарли бўлса ҳамма компанияларни молиявий қўллаши, кейин келиб чиқиши мумкин бўлган танглик ҳолатини, яъни ишсизлик, иқтисодий зиддиятлар ва аҳоли орасидаги келажакка ишончсизликни бартараф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хозирги инқироз аввалгиларидан фарқи юқорида кўрсатиб ўтилди, яъни талабнинг кескин пасайиши ва ноаниқликни ортиши ҳамда банклардаги ликвидлик муаммосини кучайиши натижасида инвестицияларнинг пасайиши оқибатида ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишидан келиб чиқадиган муаммоларни юмшатиш учун давлат томонидан кўриладиган салмоқли бюджет ва пул-кредит интервенциялар чоралар қанчалик тез бўлса натижа шунчалик яхши бўлади. Ушбу ҳолатда инқироз V шаклда бўлади ва давлат томонидан чекловлар олиб ташлангандан сўнг иқтисодий тиклашга оз вақт керак бўлади. Акс ҳолда, агарда инқироз молиявий соҳада чуқур муаммоларга дуч келса инқироз L шаклида бўлиб, узоқ муддатли депрессияга айланиб кетиши мумкин.

Шу ўринда иқтиодий чоралар қанчалик самарали бўлса вирусга қарши иммунитетни шаклланган аҳоли қатламининг камлиги натижасида касалликнинг иккинчи тўлқини бўлиши эҳтимоли шунчалик юқорилигини тушуниш муҳимдир. Агарда касалликнинг иккинчи тўлқини юз берса XXI асрда бўлган ва “испанка” номи билан тарихда қолган даврдаги сингари биринчи тўлқиндан кўра кўпроқ зарар етказиши мумкин.

COVID-19 эпидемияси тарқалишига қадар унинг тарқалишини иқтисодий жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кўп эмас эди. Аммо шу кам сонли тадқиқотларнинг натижаларида асосланганидек, иқтисодий қанчалик ривожланган бўлса касаллик тарқалиши тезлиги ҳам шунчалик юқори бўлиши исботланган.

Хозирги пайтда пандемияга қарши чораларни қўлланилишининг ижтимоий ва тиббий жиҳатларини ўрганиш билан бир қаторда унинг иқтисодий таъсирини сонли моделларини ўрганиш кенг тарқалмоқда. Масалан Thunstrom et al (2020) моделида АҚШда инсонлар орасидаги масофани сақлаш сценарийси тўлиқ амалга ошса 5 триллион доллар соф ютуққа олиб келиши исботланган.

Ушбу ҳолатда инсонларнинг соғлиғи нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, сифат жиҳатидан доимий ютуққа олиб келиши исботланган.

Ундан ташқари бу сингари моделларни қўлланилиши вирус билан курашда умумий карантин ва мақсадсиз чоралардан ташқари бошқа аниқ чораларни қўллаш мақсадга мувофиқлини кўрсатиб беради. Масалан, Berger et al (2020)нинг тадқиқотида аҳолининг ҳаммасини тестдан ўтишга мажбур қилиш ўлим ҳолатини камайтириб, иқтисодий харажатларни камайишини асослаб берган. Ушбу чораларга қўшимча қилиб вирус юқтирган шахсларни мулоқотда бўлганларни ҳам кузатувга олиш чораларини кўриш тадбиқ этилиши мумкин. Айнан шундай чоралар Жанубий Кореяда ўзининг яхши натижасини берди ва келтирилган чоралар Сингапур ва Тайванда ҳам қўлланилди, ушбу чораларни қўлланилиши яхши самара берганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Харажатларнинг тўғри тақсимланмаганлиги

Хозирда юз берган иқтисодий инқирознинг ўзига хос хусусиятларидан бири пандемияни олдини олишга ва уни тарқалишини сусайтиришга йўналтирилган иқтисодий харажатларнинг нотекис тақсимланганлигидир. Амалга киритилаётган чоралардан биринчи навбатда транспорт, туризм, хизмат кўрсатиш соҳалари катта зарар кўрмоқда. Ундан ташқари узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи соҳалар (масалан автомобильсозлик) ҳам сезиларли зарар кўради, чунки ноаниқлик шароитида истеъмолчилар ушбу товарларга мўлжалланган харажатларини қисқартиради. Мажбурий киритилаётган чоралардан телекоммуникация компаниялари, онлайн-ўйинлар ва онлайн-ўқиш билан шуғулланувчи компаниялар эса фойда билан чиқиши эҳтимоли жуда юқоридир.

Компанияларнинг ҳажм жиҳатидан кичиклари, яъни кичик бизнес ва хусусий корхоналар кўпроқ зарар кўради, чунки уларнинг активларига нисбатан пул оқимлари катта бўлиб, катта корхоналарда мавжуд “ҳимоя ёстиғи”га эга эмас. Шу сабабли ўз фаолиятини доимо ушлаб туриш учун ва мажбуриятларини бажариш учун доимий оборотига эга бўлиши ва оборотнинг қисқа даврга тўхтатилиши ҳам корхоналарни банкротга айлантириши мумкин.

Демак, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражаси нисбатан камроқ бўлган давлатларда зарар кўриш ҳажми камроқ бўлади.

Иқтисодий инқироз билан курашиш чоралари

COVID-19 эпидемияси натижасидаги хозирги инқироз молиявий эмас иқтисодий ҳисобланади. Вирус билан кураш биринчи навбатда иш ҳаққига ва компанияларнинг фойдасига таъсир этмоқда. Молиявий институтлар ҳам ушбу фойда пасайиши оқибатида зарар кўрди. Шу сабабли инқирозни енгишда давлатнинг фискал сиёсати бирламчи аҳамиятга эга, ҳукуматнинг монетар

йўналишдаги ҳаракатлари ҳам ижобий натижага эришишда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу инқирозлар даврида давлатнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш дастурлари инсонларнинг йўқотишларини маълум даражада тиклаш, ялпи талабни йўқолишини олдини олиш ва шу билан реал ва молиявий секторларни зарур ликвидлар билан таъминлаш учун керак. Келтирилган учта масалани ечилиши кегусида иқтисодий тезда тиклаш ва узоқ муддатда зарарларни олдини олиш учун муҳим ҳисобланади. Банкротликка мойиллиги кучли бўлган кичик ва ўрта бизнес соҳаси учун давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг амалга оширилиш вақти ҳам аҳамиятга эга бўлади. Айнан шунинг учун иқтисодчилар давлат томонидан бериладиган ёрдамни тезлик ва жадаллик билан ҳамда қамровли амалга оширилиши иқтисодий таъсирини самаралилигининг асосий омили сифатида эътироф этмоқда. Ялпи талабни қўллаб – қувватлаш нуқтаи назаридан қаралганда давлат ўз харажатларини қанчага кўпайтиришга розилиги асосий омилга айланади. Кутилаётган қарзнинг миқдори ЯИМнинг қисқариши ҳажмига баробар бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги шароитда иқтисодийнинг қанча даражагача қисқаришини тахмин қилиш оғир масала ҳисобланади, уни ЯИМнинг 10% миқдоридан қисқаришини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Давлатнинг шунга яқин кўрсаткичлар миқдоридан ёрдамлари Буюкбритания, АҚШ, Франция, Малайзия ва бошқа жойларда амалга оширилди. Ўзбекистонда ҳам пандемия даврида иқтисодий қўллаб қувватлаш учун 10 триллион сўмлик жамғарманинг ташкил этилиши. Ўзбекистон учун бу катта ҳажмдаги ёрдам бўлиши билан биргаликда биздаги макроиқтисодий жиҳатдан инфляция даражасининг пастлиги, давлат қарзларининг нисбатан пастлиги ва давлат резервларининг катталиги шароитида қилинганлиги учун яхши самара бериш кутилмоқда.

Инқирознинг узоқ даврдаги оқибатлари

Каронавируснинг тарқалиши ва иқтисодга таъсири хусусида ҳозирги мавҳум даврда бирон-бир башоратлар қилиш жуда мушкулдир. Аммо дунё иқтисодиёти ва хусусан Ўзбекистон иқтисодиёти инқироздан сўнг қайси йўналишларда ҳаракат қилиши мумкинлиги хусусида фикр билдириш мумкин. Биринчи навбатда давлатнинг иқтисодийдаги ўрни хусусидаги савол асосий ҳисобланади. Инқироз даврида давлатнинг роли ортиб кетади ва инқироздан сўнг ҳам аввалги ҳолатга қайтмайди. Аммо ривожланаётган давлатларда унинг родини жуда юқорилигини ҳисобга олсак, мавқеини янада кучайиши иқтисодий учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, шу сабабдан давлат родини ортиб кетиши ривожланган давлатлардаги сингари иқтисодий сифат

жиҳатидан, масалан манзилли ижтимоий тўловларни самарадорлигини ошириш кабиларга таъсири яхши бўлишига умид қилиш мумкин. Ундан ташқари инқирз рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва онлайн индустрияларни фаолиятини ривожлантириш учун кучли туртки бўлиши мумкин. Инқирознинг яна бир муҳим кўрсаткичи сифатида хадқаро кооперация ва миллийликка ишонч даражасининг ўсишини кўрсатиш мумкин. Бир тарафдан биологик хавфлар чегара танламаслигини кўрсатди, иккинчи тарафдан у миллатчилик руҳини кучайишига ва хўрлашни ортишига олиб келишини кўрсатмоқда. Шунинг учун инқирознинг давлат миқёсидаги таъсирини ўрганишда келтирилган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга эътибор бериш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Adda J. “Economic activity and the spread of viral diseases: Evidence from high frequency data”, *The Quarterly Journal of Economics* 131 (2): 891-941, 2016.
2. Ananyev M., Guriev S. “The effect of income on trust: the evidence from 2009 crisis in Russia”, *Economic Journal*, 129(619): 1082-1118, 2019.
3. Baldwin R., Weder di Mauro B., editors. “Mitigating the COVID Economic Crisis: Act Fast and Do Whatever It Takes”, A CEPR Press VoxEU.org eBook, 2020.
4. Berger D., Herkenhoff K., Mongey S. “An SEIR Infectious Disease Model with Testing and Conditional Quarantine”, NBER Working Paper, 2020.
5. Dingel J., Neiman B. “How Many Jobs Can be Done at Home?” NBER Working Paper 26948, 2020.
6. Stock J. H. “Data Gaps and the Policy Response to the Novel Coronavirus”, NBER Working Paper, 2020.
7. Thunstrom L., Newbold S., Finnoff D., Ashworth M., Shogren J. “The Benefits and Costs of Flattening the Curve for COVID-19”, SSRN working paper, 2020.
8. Е. Яковлев. «Сколько жизней заберет экономический кризис». Колонка в газете Ведомости от 11.04.2020.